

Уламолар ташрифлари тақдимотларга уланиб кетди



18:05 / 05.07.2021 1569

2021 йил 5 июль куни юртимиз уламоларининг Тошкент шаҳри масжидларига ташрифлари давом этапти. Жумладан, Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Музаффар Комилов ҳамда Аброр Мухтор Али домла Олмазор туманидаги «Ислому нури», Ҳомиджон қори Ишметбеков «Ҳазрати Имом», Иброҳимжон домла Иномов «Абу Бакр Қафқол Шоший», Салоҳиддин домла Шарипов «Сирож Солиҳ» масжидларига ташриф буюришди. Уламолар пешин намозидан сўнг маърузалар қилишди. Ташриф жараёнида «Ҳазрати Имом» жоме масжиди имоми Ҳабибуллоҳ қори Садриддин қори ўғли ва Муҳаммадайюб Кароматуллоҳ муаллифлигидаги «Фаришталар» китоби тақдимоти ҳам ўтказилди.











